

Date: 9th July-2026

ОҒИР КЕЧУВЧИ ЯРАЛИ КОЛИТДА ЙЎҒОН ИЧАК ДЕВОРИ
МИКРОБИОЦЕНОЗИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жабборов Ш.Р.¹, Курбаниязов З.Б.²

¹Самарқанд давлат тиббиёт университети, 1-сон хирургик касалликлар ва трансплантология кафедраси мустақил изланувчиси

²Самарқанд давлат тиббиёт университети, 1-сон хирургик касалликлар ва трансплантология кафедраси мудири, профессор, т.ф.д.

Абсаломов Махсуджон Улугбек угли

Самаркандский филиал республиканского научного центра экстренной
медицинской помощи

Долзарблиги. Ярали колитнинг оғир кечувчи шакллари юқори клиник фаоллик, асоратларнинг тез ривожланиши ва жарроҳлик аралашув эҳтимолининг ошиши билан характерланади. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар ичак деворига ёпишган микрофлоранинг касаллик патогенезида муҳим рол ўйнашини кўрсатмоқда, бироқ ичак люмени ва ичак девори микробиоценози ўртасидаги фарқлар етарлича ўрганилмаган.

Мақсад. Оғир кечувчи ярали колит билан хасталанган беморларда йўғон ичак деворининг микробиоценоз хусусиятларини ўрганиш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотга оғир босқичдаги ярали колит ташхиси тасдиқланган 80 нафар бемор киритилди (41 нафарида чап томон зарарланиши — 51,25%, 39 нафарида умумий зарарланиш — 48,75%). Барча беморларда патент билан ҳимояланган махсус усул ёрдамида йўғон ичак деворидан биопсия материали олинди ва микробиологик текширувдан ўтказилди, аниқланган флоранинг антибиотикларга сезгирлиги баҳоланди.

Натижалар. Йўғон ичак деворидан олинган биоптатларда аниқланган микробиологик манзара ичак люмени микрофлораси таркибидан сезиларли фарқ қилди. Барча 80 нафар (100%) беморда Enterobacteriales тартиби ҳамда Enterococcus авлодининг вакиллари 10^2 – 10^6 титр оралиғида аниқланди. Жами 20 хил тур бўйича 119 та штамм ажратиб олинди, кўпчилик ҳолларда (2–4 тур) микроорганизмлар ассоциация ҳолида учради. Ажратилган штаммларнинг 45–47 фоизи оғир ярали колитда эмпирик қўлланиладиган анъанавий антибактериал препаратларга чидамли эканлиги аниқланди. Учинчи авлод цефалоспоринларга нисбатан аниқланган қаршилик кенгайтирилган спектрли бета-лактамазалар ишлаб чиқарилиши мумкинлигидан далолат берди. Шу билан бирга, цефоперазон/сульбактам, пиперациллин/тазобактам ва карбапенемлар гуруҳига чидамли штаммлар топилмади; амикацинга сезгирлик 68% ни ташкил этди.

Хулоса. Оғир кечувчи ярали колитда йўғон ичак девори микробиоценози полиморф таркибга эга бўлиб, юқори даражада антибиотикларга чидамлилик билан характерланади ва ичак люмени микрофлорасидан сезиларли фарқ қилади. Бу



Date: 9th July-2026

маълумотлар мақсадли, индивидуаллаштирилган антибактериал терапияни танлаш учун илмий асос яратади.

Калит сўзлар: ярали колит, йўғон ичак девори, микробиоценоз, биопсия, антибиотикларга сезгирлик.



International Conferences
Open Access | Scientific Online | Conference Proceedings

